

“Карантинда паспортимни алмаштирадим, энди жариима тўлайманми?”

3-бет



Имтиёз бор фақат айримлар унга йўл беришмайди

5 бет



“Менинг дадам амалдор эмас...”

7-бет



Оиладаги мудҳиш зўравонлик

8-бет



ИНСОН ҚОНУН

26 май 2020 йил / № 16 (1220)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2020 йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан фуқароларимизга Республикаимизнинг барча ҳудудларида эркин ҳаракатлинишига имконият яратилди.

Фармонга кўра, Сиз доимий яшаш жойини танлаб рўйхатга олиш учун муурожаат қилсангиз, албатта, рўйхатга олинмасиз ва бунда бошқа ҳудуддан келганлигингиз рад этишга асос бўлмайди, рўйхатга олиш 1 иш кунда амалга оширилади. Фуқароларнинг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати эса 15 кун қилиб белгиланди.

ПРОПИСКА БҲЙИЧА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Олдинги қонунда доимий яшаш жойига рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарт эди, агарда шу муддат ичида уларнинг никоҳи бекор қилинадиган бўлса, рўйхатга олиниш ҳам автоматик равишда бекор қилинарди, энди бу қоидалар ҳам олиб ташланди.

Фармон билан фуқаро яшаш учун ёки ишлашга Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келадиган бўлса, ҳеч қандай тўсиқларсиз рўйхатга олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Олдинги қонунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатга олинган фуқаро яшашга ёки ишга бошқа вилоятга кетганда пропискиси ҳам автоматик равишда бекор қилинарди ва қайтиб келгандан кейин прописка қилинмасди.

2020 йилнинг 1 апрелидан Тошкентдан уй-жой, кўчмас мулк сотиб олиш учун доимий прописка талаб қилинмайдиган бўлди.

Тошкентдаги янги қурилган уйлари сотиб олиш ва уч йил ичида сотган ҳолатларда давлат божи-нинг алоҳида ставкаларини қўллаш тартиби ҳам бекор қилинди.

Тошкентдаги давлат органлари ва ташкилотларида узлуксиз 5 йил давомида меҳнат фаолиятини юритаётган мутахассислар (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) прописка қилинишига рухсат берилди.

Янги яшаш жойига рўйхатга туриш учун эски доимий яшаш жойидан пропискадан чиқиши ва ортиқча ҳужжат тақдим этиши талаб этилмайди.

Янги истиқомат қилиб турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиниши шарт эмаслиги белгилаб берилди.

Фуқаролар овозгарчилигининг олдини олиш мақсадида Фармонда ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга қўйиш учун мудоффа бўлимларига бориш ҳамда фарзанд туғилганда ота-онанинг доимий яшаш жойига ҳисобга қўйиш ишлари электрон (онлайн) тарзда амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, фуқароларни доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Фармонда фуқароларнинг барча муаммолари бир жойнинг ўзида ҳал этилиши кўзда тутилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” тизими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат мажмуаси, Давлат Солиқ қўмитасининг “Солиқ” ахборот тизими, Адлия вазирлигининг “Фуқаролик ҳолати даполатномаларини ёзиш органларининг ягона электрон архиви” ахборот тизими, Халқ таълими вазирлигининг вояга етмаганларни туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ҳамда вояга етганларни жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган ҳолда вазирлик ва ҳимийликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон базаларини идоралараро электрон ҳамкорлиги йўлга қўйилиши кўрсатилган.

Фармон қабул қилиниши билан неча юз минглаб фуқароларимизнинг орузси ушаладиган бўлди, уларнинг ҳуқуқлари таъминланди. Демократия сари яна бир дадил қадам ташланди!

Ўрал МУҲАММАДИЕВ,
“Мадад” ННТнинг Яшнобод туман ҳуқуқий
маслаҳат бюроси бош мутахассиси

Дунё болаларининг ҳуқуқлари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция билан ҳимоя қилинади

✓ 1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция қабул қилинган.

✓ Конвенцияда болаларнинг шахсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, уларни таъминлаш ва ҳимоялаш принциплари белгиланган.

Ўзбекистон мазкур Конвенцияга Олий Кенгашнинг 1992 йил 9 декабрдаги Қарорига мувофиқ қўшилган.

Конвенция Ўзбекистон учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган.



1 ИЮНЬ

“ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ”

Ўзбекистонда болаларга берилган асосий ҳуқуқлар



Боланинг манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокама-си ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли (Оила кодекси).



Ота-она ва бола алоҳида яшаган тақдирда, 14 ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли (Оила кодекси).



Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади (“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун).



Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради (“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун).



Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас (“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун).



Болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади (“Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори).

Болалар ҳуқуқлари таъминланмаса жавобгарлик бори!

111 500 сўмдан
669 000 сўмгача

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши 111 минг 500 сўмдан 669 минг сўмгача жарима солишига сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс).

1 115 000 сўмдан
2 230 000 сўмгача

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунара таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш 1 миллион 115 минг сўмдан 2 миллион 230 минг сўмгача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

ХАЁТ ўз ўзанида шиддат билан давом этаяпти. Мамлакатимизда инвестициявий жозибадорлик, туризм салоҳияти, тилмини тилни брэдиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл-кўллиги, ва ниҳоят, тан олиш керак, биринчи арзон ишчи кучининг мавжудлиги амалдаги ҳуқуқий нормаларни ислоҳ қилишни тақозо этаяпти.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ:

фуқаронинг қайси манфаатларини эсдан чиқарган?

ЎХУД ДАВР ТАҚОЗО ҚИЛАЁТГАН МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Масалан, Фуқаролик кодексининг 1-моддаси, тўртинчи қисмида "ҳавфсизлигини таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин", дейилган норма бор. Бу биринчидан, қонун ҳужжатларига мувофиқ, тўғридан-тўғри Фуқаролик кодексига эмас. Иккинчидан, жорий этилиши мумкин. Бу дегани — жорий этилмаслиги ҳам мумкинми? — Мумкин. Кези келганда айтиш лозимки, жуда кўплаб нормалар кесимидаги бундай "илиқлик"дан воз кечган маъқул. Бу ҳол Фуқаролик кодексига ҳаддан зиёд кўп учрайди. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг жорий йил 14 майдаги қарори билан амалдаги карантин талабларининг 2020 йил 1 июнга қадар узайтирилиши бунга яққол далилдир. У тўғрисида "қизил", "сарик" ва "яшил" тоифадаги ҳудудларда йўл қўйилаётган ёхуд йўл қўйилмаётган фаолият ва хизмат турлари — фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг узгирасидир.

Давлат ўз органилари орқали ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчилари ўртасидаги ҳолатларни ойдинлаштириши ва зарур пайтда субъектлар ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашади. Ушбу ҳолат Фуқаролик кодексининг 79-моддасида ўз ифодасини топан: давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баравар асосларда иштирок этади. Яъни, давлат хусусий-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокчида ўзининг ҳокимият ваколатларидан воз кечишини олдиндан баён этмоқда. Бу ҳолат эса, ўз-ўзиндан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари давлат билан ҳеч икхиланмасдан муносабатга киришишларига имкон яратлади.

Бошқа ракурсадан қараганда, давлатнинг ўз ҳокимият ваколатларидан фойдаланиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга таъсир ўтказиши фуқаролик қонун ҳужжатларида анча кенг ўрин эгаллашини ҳам кузатиш мумкин. Бунда давлат жамият, шахс ва халқ манфаатлари ҳамда муайян соҳанинг ривожини ҳисобга олиб, ҳуқуқий муносабатларга таъсир ўтказиши. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 377-моддасида мажбурий шартнома тузиш ҳолатлари белгиланган. Давлат бу ўринда қайси хўжалик юритувчи субъект ким билан шартнома тузиши лозимлигини кўрсатиши мумкин. Унга қўра, ҳаттоки, шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контрактни бўйича иккинчи давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашган муддатда товарлар етказиб бериши, давлат буюртмачиси эса, етказиб бериш товарлар ҳақини белгиланган муддатда тўлалишини таъминлашни ўз зиммасига олади. Ушбу контрактни тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар-

да ва давлат контрактини бажариш тўғрисида иккинчи қўриши мумкин бўлган зарарни давлат буюртмачиси қоллаган тақдирда, иккинчи учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу ҳолда давлат контрактини тузиш мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контрактини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир (Фуқаролик кодекси, 460-модда). Бундай шартномаларда кўриниб турибдики, давлат (ёки у вакил қилган органлар) тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда ўз ҳокимияти ваколатларидан фойдаланади.

ЯНА БИР МУЛОҲАЗА...

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат иштирокчининг яна бир хусусияти — давлатнинг фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар ҳаракатига таъсирдир. Бунда давлат ҳуқуқ субъектларининг ўзaro муносабатларини чеклаши, тўхтатиб қўйиши ёки умуман тугатиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 156-моддасига қўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирилганлиги (мораторий) тўғрисида давло муқаддатининг ўтиши тўхтатилади. Бу ҳолни ҳам айнан пандемия тўғрисидаги мамлакатимизда қўрилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларда кўриш мумкин (кредит таътиллари мисолида).

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Фуқаролик кодексининг 79-моддасига қўйилганча мазмундаги ўзгариш киришти зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда: давлат, унинг органилари, маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокчида нисбатан, шу муносабатлардаги юридик шахс иштирокчини тартибга солуви мезо-лар қўлланилади, агар қонундан ёки ушбу субъектларнинг хусусиятларида ўзгача маъно аниқлашмаса.

Қонда тарихида, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳар бир субъект ўз номидан ҳаракат қилиши лозим. Бу қонда фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тааллуқлидир. Давлат ҳам фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашади. Бироқ "давлат" тушунчаси мавҳум бўлганлигидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан унинг органилари иштирок этиши зарур бўлади. Фуқаролик кодексининг 79-моддаси, иккинчи қисмига қўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа махсус органлар иштирок этадилар. Айнан қайси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, қайси давлат органининг иштирок этиши шу органининг функцияси, ўз номларида белгиланган тузилиш мақсади ва фаолият доирасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ушбу нормада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат номидан қилган иштирок этиши аниқ белгиланмаганлиги, бу тўғрисида аниқ қондалар мустаҳкамланмаганлигини назарда тутиб, юқоридagi нормани "фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари, бу органиларнинг ҳуқуқий макюмини белгилловчи ҳужжатларда ўрнатилган

ваколатлари доирасида иштирок этадилар, мулкый ва шахсий номулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар, судларда иштирок этадилар", деб ўзгартариш таклиф этилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтгача давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги умумий асосларда Фуқаролик кодексининг 80-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ҳал қилиб келинмоқда. Ушбу норманинг мазмунидан аниқлаштиришча, давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари учун жавобгар эмас, юридик шахс ҳам давлатнинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат кафолат берган ҳоллар эса бундан мустасно ҳисобланади.

Бироқ давлат ва унга тегишли юридик шахсларнинг ўзaro муносабатлардаги иштирокдан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлигини аниқлаш баҳслилигича қолмоқда. Бу ҳолат, биринчи навбатда, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда қорхона мол-мулк макюмидан фуқаролик ҳуқуқ субъектчилиги макюмига ўтиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бир вақтинг ўзида қорхона (юридик шахс макюмига эга бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар ҳам) ҳуқуқ субъекти ва объекти ҳисобланадир. Зеро, қорхона ва юридик шахслар ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаролик муомаласида ўз номидан иштирок этиб, шартнома ва битимлар тузсалар ҳам, мол-мулкнинг бир қўриши сифатида сотилиши (Фуқаролик кодексининг 85, 489-496-моддалари), рентага топширилиши (Фуқаролик кодексининг 512-529-моддалари), ижарага (Фуқаролик кодексининг 579-586-моддалари) ва ишончли бошқаришга берилиши (Фуқаролик кодексининг 849-861-моддалари) мумкинлиги давлатга тегишли юридик шахснинг жавобгарлигидан давлатнинг жавобгарлиги ўртасидаги фарқ ва чегарани аниқлаш, давлатнинг ўзига қарашли юридик шахслар ва органиларнинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар ва солидар жавобгарлиги ҳолати мезонларини белгилаш лозим. Мазкур ҳолатда бозор муносабатлари шароитида давлатга тегишли юридик шахсларнинг фақат оператив бошқариши ва хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эмас, бошқа ҳуқуқий асослар ва шартлар асосида ҳам фаолият юритиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Шу муносабат билан давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини бевосита ва билвосита жавобгарликка ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсада мувофиқдир. Биринчи ҳолатда, давлат фуқаролик муомаласида бевосита ўз номидан иштирок этиб, зиммасидаги мажбуриятлар юзасидан ўзи жавобгар бўлса, иккинчи ҳолатда, давлатга тегишли қорхоналарнинг мажбуриятлари юзасидан давлатнинг жавобгарлиги масаласидадир. Иккинчи ҳолатдаги давлатнинг жавобгарлигида қонун ҳужжатлари ёки шартнома асосида субсидиар ёки солидар жавобгарлиги вужудга келади.

ҲОРИҚ ТАЖРИБАСИ ЎХУД ТАРИХ НИМА ДЕЙДИ?

Фуқаролик кодексининг 72-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ давлат қорхонасининг мол-мулкни етарли бўлмаганда, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Давлатнинг субсидиар

жавобгарлиги масаласини тадқиқ этганда, бу борадаги ҳориқий мамлакатлар тажрибасини эслаб ўтиш лозим. Германияда юридик шахслар икки асосий гуруҳга — оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ юридик шахсларига бўлинади. Давлат муассасалари ёки Anstalt (бошқарув органилари, кредит ташкилотлари, алоқа, транспорт, турли хилдаги коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) оммавий юридик шахслар ҳисобланади (Германия Гражданлик тузуқларининг 89-§ и). Уларнинг макюми одатдаги бошқарув органилариники билан жуда яқиндир. Францияда эса оммавий (давлат) муассасалар мустақил юридик шахс ҳисобланмайди, алоҳида қорхоналар бирлашмасидан ташкил топади. Бир томондан бу муассасалар хусусий қорхоналарга яқин бўлса-да, иккинчи томондан улар оммавий-ҳуқуқий функциялар ва давлат назоратини амалга оширадилар.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Собик Иттифоқ даврида давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъектчилиги анча тор доирада кўринар эди. Одатда, давлат фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг соф маънодаги субъекти ҳисобланмас эди.

Чуноки ўша даврларда давлат бутун мамлакатнинг яқна ва ягона мулкдори сифатида ўз мулкни ўзининг фуқаролари ва юридик шахслари ўртасида тақсимлаган ва хоҳлаган пайтда мулкни ўзига қайтариб олиши мумкин эди. Ушбу вазиятда давлатнинг жавобгарлик масаласи ҳам мантйқий жиҳатдан нотўғри ҳисобланарди.

Яна бир вазият. Фуқаролик кодексининг 329-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак. Яъни, бунда давлат қорхонасининг кредитори биринчи навбатда мажбуриятларни бажариш ҳақида бевосита давлат ёки давлат қорхонасининг муассисига эмас, қорхонанинг ўзига талаб қўйишга ҳақли бўлади.

ЯНА ҚАЙСИ КОДЕКСЛАР БУНУНГИ ҚУН ТАЛАБИ-ГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ?

Бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари тенглигининг таъминлини, мулк шакллари хилма-хиллигининг вужудга келиши, монополияларга экин-аста бора ҳам берила бошланганлиги давлатнинг ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бошқа иштирокчилар (жамиятда бозор иқтисодиёти шарофати ўлароқ пайдо бўлган) билан тенг асосларда қиришиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг ҳам ҳар бир субъекти учун таъбиқ этилишини таъминлади.

"Давлат органилари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари томонидан етказилган зарарни тўлаш"га бағишланган 15-моддада нормалангандек, давлат органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек, улар мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида

фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши лозим. Бундай зарарнинг ўрни давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари... ҳисобидан қопланади. Ушбу норманинг Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январдаги Қонуни билан киритилган ўзгаришга қўра, "давлат органи бекор қилган, уларнинг маблағлари етишмаган ёхуд давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари бўлмаган тақдирда фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланади". Айни вақтда нормада "азар қайси давлат органи... мансабдор шахсларининг айби билан етказилган бўлса, суднинг қарори билан зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу органлар мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилиши мумкин"лиги ҳам назарда тутилган.

"Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги (2000 йил 15 декабрда қабул қилинган) Қонун мавҳуд эди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топиш тўғрисида"ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган. Қонуннинг ўз предмети, объекти мавҳуд бўлиб, қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган эди. Тўғри, ушбу Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси (Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) янги тахрирда қабул қилинган. Шаҳарсозлик кодекси (59-модда) мавҳуд, аммо унда ургу шаҳарсозлик фаолиятини ташкил этиш, шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги мажбуриятлари, шаҳарсозлик фаолиятни объектлари ва субъектлари, давлат органиларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатларига берилган.

Фикримизча, мазкур Кодекс ҳам бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди.

Хусусан, Кодексга киритилган охириги ўзгариш (2019 йил 4 апрель/2019 йил 6 июлдан қучга кирган) қурилиш муддатларига роя эшти талабларига доир бўлиб, объектнинг қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатда тугатилмаган тақдирда, ушбу муддат лойиҳа-смета ҳужжатларида мавҳуд бўлмаганда эса, қурилиш бошланган санадан эътиборан икки йил ичиде тугатилмасан, объектнинг қурилиши (бундан яқна тартибдаги уйлари) қуриш учун берилган ер участкалари мустасно) тугатилмасан, деб ҳисоблаш билан боғлиқ... Алқисса, фикр юритилган нормалар тақомиллаштирилиши ва иқтисодий воқелиқнинг ҳуқуқий маконага қурилишининг мавридиде келган қўринад.

Айни дам мазкур масалалар муҳокама мавзуси сифатида таклиф этилмоқда.

Миродил БАРАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори



Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни "Мадад" ННТнинг www.advice.uz сайтидан олишингиз ёки саволларингизни телеграмдаги @Madadnnt_botга йўллашингиз мумкин.

"Карантинда паспортимни алмаштирмадим, энди жарима тўлайманми?"



— ПАСПОРТИМНИНГ амал қилиш мuddати 2020 йил 10 апрель кунга тугади. Карантин сабабли, мен ўз вақтида паспортимни алмаштира олмадим. Менга мuddат ўтиб кетгани учун жарима қўлланиладими?

— Республика Махсус комиссиясининг қарорига кўра, карантин вақтида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (фуқаролик паспорти, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшашига рухсатнома) амал қилиш мuddати 2020 йил 1 июлга қадар узайтирилди. Ҳужжатларнинг мuddати ўтиб кетгани учун жарима қўлланилмайди.

"Меҳнат шартномамда унинг амал қилиш мuddати кўрсатилмаган..."

— УЧ йилдан бери университетда кассир бўлиб ишлаб келаяман. Меҳнат шартномамда унинг амал қилиш мuddати кўрсатилмаган. Бу уни ҳақиқий эмас, деб ҳисобланишига олиб келмайдими?

— Йўқ, олиб келмайди. Меҳнат кодексининг 75-моддасига кўра меҳнат шартномалари:

- номуайян мuddатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян мuddатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар Сизнинг меҳнат шартномангизда унинг амал қилиш мuddати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян мuddатга тузилган, деб ҳисобланади.

Меҳнат шартномасини номуайян мuddатга тузилиши Сиз доимий мuddатга ишга қабул қилинганингизни аниқлади ва Сиз билан тузилган меҳнат шартномаси мuddат тугаганлиги сабабли бекор бўлмайди.



Таътилсиз ишладим, пуллик компенсациям куйиб кетадими?"

— Фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланадими?

— Меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.


Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатлари бекор қилиниши мумкин. Бунда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс судланган бўладими?"

— МАЪМУРИЙ жавобгарликка тортилган эдим. Энди судланган ҳисобланаманми?

— Йўқ, судланган ҳисобланмайсиз. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ мuddати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 77-моддасида судланганлик ҳолатига таъриф берилган. Унга кўра, шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат бу судланганлик ҳисобланади. Яъни, шахс Жиноят кодекси билан тақиқланган ва тартибга солинган ижтимоий хавфли қилмишни (жиноятни) содир этиб, унга нисбатан тергов (суриштирув) ҳаракатлари олиб борилиб, айблов хулосаси (далолатномаси) тузилиб, жиноят ишлари суд муҳокамаси, тергови, музокарасида кўриб чиқиб, шахсни айбли, деб топиш масаласи кўрилиб, сўнг унга нисбатан жиноят кодексининг тегишли нормасига асосан содир этган қилмишига биноан ҳукм тайинланиб, ҳукм қонуний асосларда кучга кирганидан сўнг шахс судланган, деб ҳисобланади.



Шартномада меҳнат таътилига чиқиш белгиланмаганлиги қонунийми?"

— ХУСУСИЙ фирмада ишлайдиганлар ҳам меҳнат таътилига чиқса бўладими? Агар ходимнинг меҳнат шартномасида таътил берилмаслиги ёзилган бўлса-чи?

— Ҳа, албатта, энг камида 15 кун меҳнат таътилига чиқишингиз мумкин. Меҳнат кодексининг 5-моддасига кўра, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас, деб топилади. Демак, меҳнат шартномасининг ўша банди ҳам ҳақиқий эмас.

14 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тартиби қандай?"

— ОИЛАМИЗ биров қийналиб қолган. Уч нафар 14 ёшга етмаган фарзандим бор. Биз нафақа олишимиз мумкинми?"

— Мазкур нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла) томонидан кам таъминланган оилаларга берилиши мумкин.

Бунда оиланинг охириги 3 ойлик даромади қўшиб ҳисобланиб, оила аъзоларига бўлинганда, ҳар бир оила аъзосига БҲМнинг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда тўри келган оила — кам таъминланган, деб топилиши ҳамда нафақа тайинланиши мумкин.



Кимлар автомашинани ишончномасиз бошқариши мумкин?"

— УКАМНИНГ машинасини ишончномасиз бошқаришим мумкинми?"

— Транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) транспорт воситасини ишончномасиз бошқариши мумкин.


Ушбу яқин қариндошларнинг фамилияси, исми, отасининг исми транспорт воситаси эгасининг сўғурта полисида кўрсатилган бўлиши керак.

Ким биринчи судга ариза берса ўша давлат божини тўлайдими?"

— НИКОҲНИ бекор қилиш учун судда давлат божи кимдан ундирилади?"

— Давлат божи никоҳдан ажратишни сўраб судга ариза топширган томондан, агар эр-хотин биргаликда никоҳдан ажратиш ҳақида судга ариза ёзган бўлса, ўзаро келишган ҳолда томонларнинг бирдан ундирилади.

Давлат божи суммаси БҲМнинг 2 баравари миқдорда, такрорий никоҳни бекор қилиш учун эса БҲМнинг 4 баравари миқдорда ундирилади.



ЖИНОЯТ КОДЕКСИ:

ундаги айрим моддаларга хориж стандартларини имплементация қилиш қанчалик зарур?

ҲОЗИРГИ кунга келиб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари халқаро уюшган жиноятчилик характери ўзида акс эттириб, унга қарши кескин кураш олиб боришни тақозо этмоқда. “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан қўллаб-қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш соҳасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга 2019 йил 15 январда УРҚ-516-сонли қонун билан ўзгариш киритилди. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенцияси ҳамда 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши” конвенцияларида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноят сифатида қайд этилди ҳамда конвенцияга аъзо давлатлар ўз қонунчилигида жиноий даромадларни легаллаштиришни жиноят сифатида киритиши белгиланди.

Конвенциянинг 6-моддасига кўра, англаш, мақсад ва қасд жиноят таркиби элементи сифатида ишнинг объектив фактик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни, конвенцияда мазкур жиноят қасддан, мақсад билан олинганлиги содир этилиши жиноят таркибининг элементи эканлиги қайд этилган. Демак, жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятида айбдорнинг мақсади жиноий йўл билан топишган мулкка ёки даромадга қонуний тўс бериш орқали унинг келиб чиқиш манбасини яширишга қаратилади. Коррупцияга қарши конвенциянинг 23-моддаси жиноий даромадларни легаллаштириш, деб номланади. Ушбу моддадаги асосий қоидалар ҳам БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенциясининг 6-моддаси қоидаларига мос келади. Шу билан бир қаторда мазкур конвенцияда назарда тутилган жиноятлар натижасида топишган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни назарда тутди.

Легаллаштириш деганда нима тушунилади?

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида давлатлар ҳамкорлигини таъминлаш ва халқаро стандартларни ишлаб чиқишда 1989 йилда ташкил этилган “Пул ювишга қарши молиявий қораларни ишлаб чиқиш гуруҳи” — ФАТФ муҳим ўрин тутди. ФАТФ қарорлари тавсиявий характерга эга бўлса-да, ундаги тавсиялар жисмоний ва юридик шахслар томонидан молиявий тизим имкониятларидан фойдаланиб, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг халқаро дастурини акс эттиради. Яъни, ФАТФ тавсияларининг бажарилиши реал жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, пул ювиш схемаларига қарши курашда амалий аҳамият касб этади. ФАТФ тавсиялари ушбу соҳадаги жиноятларга тезкор муносабат билдириш имкониятини беради. Юқоридеги халқаро ҳужжатлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 1988 йилдаги Вена, 2000 йилдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенция, 2003 йилдаги “Коррупцияга қарши” конвенцияларида жиноий йўл билан топишган даромадларни легаллаштириш тушунчасида асосий (предикат) жиноят доираси чегараланган бўлса, 1990 йилдаги Страсбург ҳамда 2005 йилдаги Варшава конвенцияларида жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчаси ҳар қандай жиноят натижасида олинган ёки қўлга киритилган даромадларни легаллаштириш эканлиги мустаҳкамланган.

Жиноий даромадларни легаллаштириш, яъни жиноий даромадга қонуний тўс бериш ундан фойдаланиш қонуний иқтисод учун хавфлидир. Шу сабабли, давлатлар ушбу қилмишни жиноят сифатида ўз қонунчилигида мустаҳкамлаган. Хусусан, Жиноят кодексининг 243-моддаси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, деб номланади. Унга кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топишган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тўс бериш, худди шунингдек, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилади. Демак, мазкур модда мазмунида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш сифатида ҳар қандай жиноят орқали топишган мулкни легаллаштириш, яъни унга қонуний тўс бериш, унинг келиб чиқиш манбасини яшириш тушунилади. Легаллаштириш ўз муҳиятига кўра — “пичқона” яширинча капитал соҳасидаги пул маблағларини чиқариш ва уларни қонуний муомала соҳасига киритиш, пул маблағларига ёки бирон-бир мол-мулкка жисмоний ёки юридик шахс томонидан қонуний мулк макомини бериш бўйича жиноий фаолиятдир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ошқора даромад манбаи бўлмаса-да, улар ўз реал даромадларидан бир неча бор юқори бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари билан операция ўт-

казиши, кўчмас мулк сотиб олиши ва бошқа харидларни амалга ошириши — бунинг барчаси легаллаштириш белгисидир. Ушбу турдаги жиноятлар трансмиллий характер касб этиб, кундан-кунга ўшбу жиноятни содир этишнинг янгича усуллари пайдо бўлиб бормоқда. Замонавий ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши, халқаро пул ўтказмалари тизимининг ривожланиши, виртуал пулларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммага айлантди. Бу эса, ўз навбатида, бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, ушбу жиноятларга қарши кураш бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганишни тақозо этади.

Легаллаштиришнинг нечта шакли бор?

Легаллаштириш шартли равишда икки шаклга бўлинади: оддий ва мураккаб. Оддий шакли тузилишига кўра мураккаб легаллаштиришнинг бир босқичи бўлиб, у қўл томонлама молиявий операциялар, тижорат, молиявий ва банк структуралари, сурғура компаниялари, бошқа ташкилот ва муассасалар, тижорат фаолияти билан шуғулланганидан муассасалар ва бошқаларни ўз ичига олган турли бошқарув ва тижорат фаолиятини ифодалайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни етарли ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги боис капитал (нақд пул ва бошқа мол-мулк)нинг қонунга хилоф равишда орттирилиши ва унинг жисмоний ва юридик шахсларнинг қўлида тўпланиши учун муайян имкониятларни яратгани ёдда тутиш лозим. “Яширин” капитал жиноий фаолият натижасида шаклланиб, солиққа тортилмаган махфий капитал ҳисобланади.

Хориж тажрибаси нима дейди?

Легаллаштириш — пул маблағларини “яширин” капиталдан чиқариш ва қонуний муомалага киритиш, яъни улар (пул ва бошқа мол-мулк)га муайян жисмоний ёки юридик шахснинг қонуний мулк ҳуқуқий макомини беришдан иборат. Иқтисодиёт ва молия соҳасидаги ҳуқуқий тартибот асосларида таҳдидларни ҳисобга олиб, жиноий сармоянинг иқтисодиёт ва бошқа давлат фаолиятига кириб келишига тўқсинлик

қилиши Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Чунки жиноятчиликнинг активларини легаллаштириш давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига раҳна солади. Хорижий мамлакатларда, хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексига легализация учун икки кита модда бўйича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш”, деб номланса, 174-моддаси “жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш”, деб номланади. Яъни, Россия Жиноят кодексига ўзи томонидан содир этилган жиноят натижасида топишган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Бошқа бир қатор давлатлар жиноят қонунига эса, бу жиноят содир этиш усулига кўра бир неча кўринишлари алоҳида кўрсатилди. Масалан, Корея Республикаси Жиноят кодексига “Ўғирланган мулк билан боғлиқ жиноятлар”, Исроил жиноят қонунига “Ўғирланган мулк” ва Россия Федерациясининг Жиноят кодексига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти “иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар” туркумига киритилган ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти шахсан жиноят содир этиш орқали топишган даромадларни легаллаштириш каби кўринишларини фарқлайди. Халқаро ҳуқуқ доктринаси ва амалиётда эса жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш “пулларни ювиш, тозалаш” сифатида эътироф этилади ҳамда наркотрафик, порохўрлик, ўғрилик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида олинган пул маблағларининг “ҳақиқий” кўринишини яшириш мақсадида қонуний молия тизимидан фойдаланиш сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амалдаги таҳририда жазонинг фақат битта тури — озоқликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Мазкур ҳолатда, Жиноят кодексининг 243-моддаси санкциясига муқобил жазо турларини киритиш тавсия этилади, энг мақбули жазима, озоқликни чеклаш. Яъни, жиноятчиликка қарши курашда, судлар томонидан содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик

учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтиришимиз зарур. Бунга мисол Қозғистон Республикаси Жиноят кодексининг 218-моддаси, Молдова Жиноят кодексининг 243-моддаси, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси, Украина Жиноят кодексининг 209-моддалари бўйича ҳам жиноий йўл билан топишган мулкни легаллаштириш учун дефференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган ҳамда муқобил жазо турлари назарда тутилган. Бундан ташқари, Украина Жиноят кодексига мазкур жиноят ҳўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга, Россия, Беларусь, Молдова, Қозғистон Жиноят кодексларида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши қартилган жиноятлар тоифасига киритилган. Яъни, МДҲ давлатлари жиноят кодексига ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддалари қисмларга ажратилган.

Хулоса

Бундан хулоса қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасини ҳам қисмларга ажратиш, унга қўшимча яна иккинчи қисм билан тўлдириб, қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлари учун алоҳида жавобгарлик белгиланиши; шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига мос равишда Жиноят кодексининг 243-моддаси, 1-қисми санкциясига озоқликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари муқобил жазолар, яъни жазима, озоқликни чеклаш жазо турлари билан тўлдирини; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти кўпроқ иқтисодиётга қарши қартилганлигини инобатга олиб, мазкур жиноятни иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бобида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хулоса қилиб айтганда, айрим хорижий давлатларнинг жавобгарлик турларини айрим жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш инсонпарварлик принципи ва ҳозирги олиб бораётган ислохотларимизга тўлиқ мос келади, деб ҳисоблаймиз.

Гулчехра ТўЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юридик университетининг “Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори,
Максуджон ҲАКИМЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети магистранти

Сурати ялтироқ, сийрати қалтироқ бўлиб чиқди...



НУКУС шахрида яшовчи тadbиркор, “К. NAURI’ZOV ATINDAG’I MPK BAXITLI OQIIV NODAVLAT TA’LIM” МЧЖ раҳбари П. Наурызов Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази ДУКнинг 2019 йил 6 декабрь куни ўтказилган электрон-онлайн аукционда иштирок этиб, Мажбурий ижро бюроси Қарши шаҳар бўлими томонидан аукционга чиқарилган COBALT русумли автотранспорт воситасининг 67.276.000 сўмга ютиб олган.

Тadbиркор ушбу аукционда ютиб олган автотранспорт

воситасини олиш учун Қарши шаҳрига борганида COBALT русумли автотранспорт воситасининг юрган масофаси эълонда кўйилган 2106 километр эмас, балки 200.000 километрдан юқори эканлиги, автотранспорт воситасининг эълонда кўйилган расмда кўринганидан анча эски эканлиги, олдинги ойнаси синганлигини кўради ва автотранспорт воситасини олишдан бош тортади.

Мазкур масала юзасидан тadbиркор П. Наурызов Қарши шаҳар прокуратурасига, Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти бошкармасига, Қашқадарё вилояти прокуратурасига бир

неча бор мурожаат қилган. Лекин унга ҳар сафар Мажбурий ижро бюроси Қарши шаҳар бўлимининг ҳаракатлари қонуний эканлигини кўрсатиб, норози бўлган тақдирда тегишли тартибда судга мурожаат этиши керак эканлиги тушунтирилган.

Тadbиркорнинг мурожаати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳар томонлама сичқовлик билан ўрганилиб, П. Наурызовнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида унинг манфаатини кўзлаб, Қарши туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди.

Суд мажлисида тарафлар томонидан келтирилган далил-

лар ва фикр-мулоҳазалар кўриб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тadbиркор манфаатини кўзлаб киритган даъво аризаси қаноатлантирилди. Яъни, Электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги баённома ҳақиқий эмас, деб топилди ва тadbиркорнинг COBALT русумли автотранспорт воситаси учун тўлаган олти миш етти миллион икки юз етмиш олти миш сўм пуллари қайтариладиган бўлди.

Фарход РОМАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Корхона бош ҳисобчиси квитанцияларни кўрсатишга мажбур бўлди

ПАХТА севлактасияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тadbқиқот институтининг Сурхондарё вилояти илмий-тажриба станцияси лаборантлари М. Жўраева, У. Аннаев, Н. Бекмуратова, Ш. Чориева ва Г. Рўзиеваларнинг иш ҳақлари станция томонидан тўлаб берилмаган. Бу ҳақда улар Термиз туман адлия бўлимига қилган мурожаатларида маълум қилишган. Маълум бўлишича,

уларга февраль ойи учун ойлик иш ҳақларидан ушлаб қолинган солиқ ва электр энергиясига ва бошқа ушланмаларнинг тўлов квитанциялари ҳам берилмаган.

Термиз туман адлия бўлимининг аралашуви билан, лаборант М. Жўраеванинг 2019 йил декабрь, 2020 йил январь, февраль, март, апрель ва май ойлари учун жами 4 миллион 052 миш 812 сўм миқдоридagi ойлик маоши тўлиқ тўлаб берилди. Лабо-

рантлар К. Аннаев, У. Аннаев, Н. Бекмуратова, Ш. Чориева ва Г. Рўзиеваларнинг ҳар бирига март ойи учун 639 миш 660 сўм ва апрель ойи учун 639 миш 660 сўм, жами 1 миллион 279 миш 320 сўм, умумий ҳисобда, станция лаборантларининг жами 9 миллион 170 миш 092 сўм миқдоридagi ойлик иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Бундан ташқари, станциянинг бош ҳисобчиси лаборантларнинг солиқ тўлови учун ҳамда сарфланган электр энергияси учун ушлаб қолин-



ганлигини тасдиқловчи тўлов квитанцияларини ҳам ходимларга тўлиқ етказиб беришга мажбур бўлди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

Имтиёз бор фақат айримлар унга ЙЎЛ БЕРИШМАЙДИ



бўлимига тумандаги 30-сон мактабгача таълим муассасаси ходимларидан 21 та ариза келиб тушгани бу фикрни тасдиқлайди.

Наманган туман адлия бўлими томонидан юқоридаги қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан туман санитария-эпидемиология осойишталик маркази ва туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилди. Бироқ Наманган туман санитария-эпидемиология осойишталик маркази ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси мактабгача таълим муассасалари ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш шартнома асосида пуллик амалга оширилишини билдирди.

Шундан сўнг адлия бўлими томонидан Наманган туман маъмурий судига ходимлар манфаатини кўзлаб ариза берилди ва суд туман санитария-эпидемиология осойишталик маркази ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси зиммасига 30-сонли мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимларини белгиланган тартибда бепул тиббий кўриқдан ўтказиш мажбуриятини юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Сўнимиз сўнггида шунини айтмоқчимизки, ҳар бир соҳанинг масъул ходимлари ўз тизимларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши шарт. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга турли хил оворагарчилик ва сансалорликларнинг олдини олади.

Фарходжон ХАСАНОВ,
Наманган туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Фуқаро “ТУНГИ ЧИРОҚЛАР”дан нега норози?


ЖИЗЗАХ вилояти адлия бошкармаси томонидан ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш қўтилган самарани бермоқда. Бошкарма томонидан туман (шаҳар) адлия бўлиmlари телеграм ижтимоий тармоғи орқали хулулларда 149 та гуруҳ ташкил қилинди. 61 мишдан зиёд аъзоларига эга мазкур ижтимоий тармоқларда ўз ўқувчиларини қизиктираётган ҳуқуқий маълумотлар тарқатилмоқда, саволлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур ижтимоий тармоқлар орқали фуқароларнинг икки юзга яқин мурожаатлари қабул қилиниб, тегишли тартибда кўриб чиқилмоқда. Бу, ўз ўрнида, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари уларнинг ортқича оворагарчиликларсиз ечим топишига хизмат қилмоқда.

Жумладан, Шароф Рашидов туманида истиқомат қилувчи А.Б. Шароф Рашидов туман “Тунги чироклар” МТП шўъба корхонаси томонидан иш ҳақи берилмаётганлигидан норози бўлиб, жорий йилнинг 25 февраль куни адлия бошкармасига мурожаат қилган.

Аниқланишича, фуқаро А.Б. Шароф Рашидов туман “Тунги чироклар” МТП шўъба корхонаси ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, 31 декабрь куни у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Бироқ мазкур корхона томои-



дан А.Б. билан 31 декабрь куни меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса-да, 2020 йил 25 февраль кунига қалар тўлаб бериши лозим бўлган 4.240.752 сўм иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 154-моддасига асосан иш бериувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақин белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ, 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Ҳолат буйича жорий йилнинг 2 март куни фуқаролик ишлари буйича Жиззах туманлараро судига даъво ариза киритилиб, даъво ариза қаноатлантирилди.

Илгор РАШИДОВ,
Жиззах вилояти адлия бошкармаси масъул ходими

САМАРҚАНД туман “Баркамол авлод” болалар марказининг тўғарақ раҳбари Дилноза Хуррамова корхона тугатилиб, қайтадан ташкил этилганда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, охириги ҳисоб-китоблар қилинмаганлиги ва унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаганлигидан норози бўлиб Самарқанд туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

ТЎГАРАК РАҲБАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БУЗИЛДИ

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанд туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 28 октябрдаги буйруғига асосан туман “Баркамол авлод” болалар маркази ходимларига меҳнат шартномаси иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида 2019 йил 1 ноябрь куни оғохлантириш хати берилганлиги, марказ директорининг 2020 йил 3 январдаги буйруғига асосан марказ тўғарақ раҳбари Д. Хуррамова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига асосан шартлар қисқартирилиши муносабати билан 3 январдан бекор қилинган, аммо у билан охириги ҳисоб-китоблар амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 11-моддасида меҳнат шартномаси иш бериувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда, ходимга тегишли иш ҳақи, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар тўланиши, бундан ташқари, 151-моддада меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланиши белгиланган.

Бундан ташқари, марказ тўғарақ раҳбари Дилноза Хуррамова билан қайта меҳнат шартномаси тузилмаганлиги, охириги ҳисоб-китоблар ҳам қилинмаганлиги ва унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 89-моддаси, 4-банди ҳамда 109-моддасида ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши белгиланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Самарқанд туман адлия бўлими томонидан туман халқ таълими бўлими ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказига тақдимнома киритилиб, ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши таъминланди ва Д. Хуррамова ўз ишига тикланди.

Илҳом ПИРИМҚУЛОВ,
Самарқанд туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЭЗГУЛИК ЭГАСИНИ ТОПДИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида яшовчи 2-гуруҳ ногирони фуқаро Н. Раҳматуллаев туман адлия бўлимига кўнгирик қилиб, соғлиғи ва яшаш шароити яхши эмаслигини, ижтимоий аҳоли оғирлигидан дори-дармондан қийналиб қолганлигини айтиди. Сўнг адлия бўлимининг телеграм каналига ариза йўллади.

Мурожаатни ўрганиш мақсадида МФЙ тегишли комиссиясига сўров юборилди. Шунга кўра, комиссия қарорига асосан фуқаронинг яшаш манзилига пул ва озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Отабек Маманазаров,
Мирзо Улугбек туман адлия бўлими бошлиғи

ҚОЗИКЕНТДАГИ мактабнинг доврўғи бутун республикага ёйилди. Илм даргоҳи билимлар рейтингини даражаси бўйича нафақат туман, вилоят, балки минглаб мактаблар ўртасида ҳам юқори поғонага кўтарилди.

ФАН БОҒИНИНГ БОҒБОНЛАРИ

ёхуд Қозикентдаги мактабнинг доврўғи хусусида

Шу мактабда ишлайман, ўқитувчи бўлман, халқ ўқитувчиси Зиёдулло муаллимнинг ёнида тураман, шоғирди бўлман, деб рўйхатга ёзилганлар, директорнинг синовидан ўтишга тайёргарлик кўраётганлар сонг мингта. Энг кучли физик, энг зўр математик, энг билимдон тил ва биология ўқитувчиси, деб ном қозongan, олимпиадалар ҳайъати аъзолари раҳматномасига сазовор бўлаётган ўқитувчилар Қозикентнинг ва бу ердаги мактабнинг обрўсини мамлакат миқёсида кўтармоқдалар.



Бу машаққатли меҳнат замирида нималар борлигини билиш, директорнинг келгуси режалари билан танишиш, беназир устозлар даврасида бўлиш учун бу илм масканига Халқ таълими вазири ҳам таширф буюрган эди. Хокисор, самимий, камтарин муаллимларга вазир ҳам ҳавас қилиб: "Сизларни фан номзодлари, фан докторлари қаторига қўшса арзийди", дея эътироф этди.

Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу мактаб рейтингини бўйича республикада фахрли ўринларда туради. Яна бир ибратли жиҳати шундаки, мактабнинг 11-синфини битирган 90 фоиз ўқувчи мамлакатимизнинг турли нуфузли олий таълим даргоҳларига ўқишга кирган.

— Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Нуробод, Пахтачи, Каттақўрғон туманлари, ҳаттоки Навоий вилоятининг Навбахор, Хатирчи туманларидан ўқувчилар мақсафани писанд қилмай, шу ерга келиб ўқишади, — дейди Нарпай туманидаги 52-умумтаълим мактаби директори Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Фидокорона

хизматлари учун ордени соҳиби Зиёдулло Санаев. — Билим даргоҳимизда 950 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 65 нафар ўқитувчи таълим беради. Хўш, ўқувчилар нима сабабдан олис масофани тан олмай, айнан шу мактабга келиб ўқишади, ахир, ўзларига яқин ҳудуддаги мактабларда ҳам ўқишса бўлади-ку, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг исбот талаб қилмайдиган битта жавоби бор. Бизнинг мактабимизда таълим олган ўқувчиларнинг қарийб 90 фоизи тест синовларини муваффақиятли топшириб, ҳар йили олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилинади.

Мактабда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Фан хоналари тўлиқ ҳозирги техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Ўқитиш учун барча фанлар бўйича адабиётлар мавжуд. Энг муҳими, иқтидорли ўқитувчиларга 40 фоиз миқдорда директор фондидан устама ҳақ берилади. Бошқача айтганда, иқтидорли ўқитувчилар пировард натижасига қараб, ҳар ойда 5 ва 5,5 миллион

сўм ойлик иш ҳақи опадилар. Бунинг учун мактабда қатъий талаб ва интизом жорий этилган. Ўқувчиларга берган таълими, ўқувчининг билим ва дунёқараш шаклланиши, фанларни қанчалик чуқур эгаллаганига қараб ўқитувчи рағбатлантирилиб, унинг ишига баҳо берилади.

2019-2020 ўқув йилида мактабимизнинг уч нафар ўқувчиси Малика Бекназарова, Озода Тошнӣзова, Зилола Гафуровалар олтин медаль соҳиби бўлиб, ўқув юртларига ўқишга киришди. Шунинг алоҳида фахр билан айтиш керакки, мактабимизни битиргандан сўнг Англияда таҳсил олиб қайтган Шохруҳ Мусаев, Норбута Нусратовлар ўзлари ўқиган кадрдон мактабларига қайтиб, ёшларга таълим бермоқда.

Мактабимиз ўқувчилари республикада ўтказиладиган фан олимпиадаларида ҳам доимо фаол қатнашадилар. Масалан, Озода Тошнӣзова Рус тилидан ўтказилган олимпиадада фахрли 1-ўринни, Гулҳаё Эшимова Она тилидан ўтказилган беллашувда фахрли ўринни эгаллаб,

Германияга саёҳат қилиш учун йўлланма олди. Мактабимизда фан номзодларидан устун бўлган халқ таълими аълочилири Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаҳло Чўтбоева, Тарих фани ўқитувчиси Хилола Эсанова, Инглиз тили фани ўқитувчиси Машхура Муртазаваларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳам мактабимизнинг салоҳияти ошиб, нуфузли ўринларга ва алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда.

— Бугун ўқитувчидан талаб қатъий, бошқа жойларни билмадиму бизнинг мактабда интизом қаттиқ, — дейди Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Маҳзуна Жумаева. — Ишга ҳар кунини ярим соат олдин келамиз. Мактабимиз раҳбари конспектларни кўриб, дарс ўтишга ижодий ёндашувга алоҳида эътибор беради.

Бундан ташқари, кийиниш маданияти ҳамда орасталикка ҳам албатта эътибор кучли. Ҳар бир ўқитувчининг билим савиясини ошириш учун ўз фани бўйича тест усулида имтиҳон ўтказилади. Ҳатто, ўқитувчилардан диктант ҳам олинади. Энг муҳими, ишлаш учун мактабда

барча шароит бор. Мавжуд 30 та тўғарақнинг 18 таси фан тўғарақлари. Дарсдан сўнг бизларга иқтидорли ўқувчиларимиз билан репетиторлик дарслари ўтишга ҳам рухсат берилган. Чунки асосий мақсад билимни, иқтидорли ўқувчиларни тайёрлашга қаратилган!

— Шу мактабда менинг уч нафар фарзандим таълим олиб, уларнинг барчаси олий ўқув юртларига киришди, — дейди меҳнат фахрийси Собир ака Эшнӣёзов. — Чунки мактаб директори Зиёдулло Санаев атрофига кучли ўқитувчиларни бирлаштириб, фарзандларимизга тўғри таълим-тарбия беришга бошқош бўлди. Ўқитиш ҳам, тарбия ҳам яхши йўлга қўйилган. Энг муҳими, ўқитувчиларда массулият бор.

— Мен Хатирчи туманининг олис тоғ олди қишлоғида яшайман, — дейди Хосият Ибрагимова. — Қўшнимнинг фарзандлари шу мактабда ўқиб, маълумот олди, ҳаётда ўз ўрнини топди. Мен ҳам ўғлимни шу мактабга қўйдим. Ижарада туриб ўқийди. Мактабда билим бериш, талаб қатъий эканлиги менга жуда ёқди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таълим даргоҳи ана шундай эътибор ва эътирофга лойиқ.

Азим ҚОДИРОВ,

"Инсон ва қонун" муҳбири



ЙИРИК ТАМАКИ БИЗНЕСИ:

шахсий танлов эркинлиги учун кураш баҳонасида ёш авлодни алдаяпти

ЖАҲОН соғлиқни сақлаш ташкилоти 1988 йилда 31 май санасини Халқаро чекишга қарши курашиш кунини, деб эълон қилган.

Ҳар йили тамаки истеъмоли натижасида дунёда ўртача 8-9 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмади. Тамаки истеъмоли жинси, ёши, ирки ва маданиятига қарамай, ҳар қандай киши учун хавф тугдиради.

Халқаро чекишга қарши курашиш кунининг глобал мақсади ҳозирги ва келгуси авлодни тамакининг нафақат соғлиқ учун салбий жиҳатларидан, балки иқтисодий, экологик ва иқтисодий талофатларнинг вайронкор оқибатларидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Кўплаб тамаки компаниялари бир неча йиллар давомида ёшларни тамаки ва никотин маҳсулотларини истеъмоли қилишга жалб қилишнинг мураккаб ва бемаъни усулларидан фойдаланиб келмоқда. Албатта, бунинг учун катта маблағ сарфланади. Бу жараёнларни ёш истеъмолчилар оқимини таъминлаш учун ишлаб чиқилган маркетинг компанияларнинг ички ҳужжатларидан билиб олиш мумкин. Ҳужжатларда тамаки себубларнинг янги авлодини жалб қилиш, ҳар йили миллионлаб янги одамларни жалб қилиш ва янгиларга алмаштириш билан боғлиқ янгиликлар акс этади.

2020 йилнинг "Бутунжаҳон чекишга қарши курашиш кунини" да никотин ва тамаки ишлаб чиқарувчиларнинг тизимли, тажовузкор ва ўжар ҳаракатларига жавобан ёшларни жалб қилган ҳолда антимаркетингли компания ўтказилади. 2020 йил учун мўлжалланган акция куйидагиларга мўлжалланган:

мавжуд тушунмовчиликларнинг номувофиқлигини намойиш этиш. Яъни, маҳсулотни сотиш учун ишлатиладиган турли усуллар, ёшларга, шу жумладан, бозорга янги ва оригинал маҳсулотларни киритиш, хушбўй қўшимчалар ва бошқа жозибдор хусусиятлар тўғрисида гапириб орқали улар алданаётганини англатиш;

ёшларга тамаки ва никотин саноатининг ҳозирги ва келажак авлодларини ушбу маҳсулотдан фойдаланишга жалб қилиш ниятлари ва стратегияси тарғиб қилинаётгани ҳақида огоҳлантириш;

етақчи ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни йирик тамаки бизнесига қарши курашга жалб қилиш.

Тамаки ва никотин ишлаб чиқарувчилари қандай қилиб ёшларни манипуляция қилишади?

— тамаки ва никотин маҳсулотларида ёшлар учун хушбўй ва жозибали қўшимчалардан фойдаланилади, масалан, гилос, сақич ва пахта шакарининг ҳиди. Бу эса диққатни соғлиқ учун хавфдан чалғитиши ва бундай маҳсулотларни синаб кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади;

— сотиб олиш учун осон бўлган, яъни замонавий дизайн ва жозибали шаклда (масалан, агар маҳсулот флеш-карта ёки конфет шаклида бўлса);

— машурларнинг инстаграм ва брендлар ҳоимийлик қиладиган танловларда тамаки ва никотин маҳсулотларини сотишни тарғиб қилиш орқали;

— маҳсулотларни ёшлар кўп буладиган жойларда, уларни қандолатчилик маҳсулотлари, газак ёки алкоголь ичимликлари ёнига жойлаштириш орқали сотиш (бу дўжонлардаги реклама материаллари ва пештахта-

лар билан таъминлашни ҳам ўз ичига олади);

— мактаблар яқинида тамаки ва никотин маҳсулотларини сотиш, ўқувчиларга маҳсулотларни олишни осонлаштириш;

— фильмлар, телекўрсатувларда ва онлайн трансляцияларда яширин тамаки рекламасини жойлаштириш;

— тамаки сотадиغان машиналарни тез-тез ёшлар орасида жозибдор тарзда реклама қилиб, маҳсулотларни вояга етмаганларга сотиш қондаларини бузиш учун сабабларни яратиб;

— тамаки чекишга қарши норма ва қондаларини, шу жумладан, огоҳлантиришларни савдо нуқталарида жойлаштириш. Маҳсулотни болаларга сотишнинг чеклаш ва болаларга сотиш (айниқса, таълим муассасалари яқинида тамаки маҳсулотларини сотиш ва реклама қилишни тақиқлаш) билан боғлиқ бўлган турли хил нормалар ва қондаларни енгиллаштириш

учун мўлжалланган даъво аризаларини киритиш.

Жаҳон ҳамжамияти жабричи ҳар йили ўз ҳаёти билан тўлайдиган миллионлаб одамлар ҳисобидан фойда кўраётган тамаки саноати шахсий танлов эркинлиги учун кураш баҳонасида ёш авлодни алдаядиган йўлга қўймайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (поп-маданият, ижтимоий тармоқлар, мактаблар ва уйлардаги) раҳбарларни тамаки чекувчиларнинг янги авлодини жалб қилиш учун компанияларнинг манипуляцияси тўғрисида ҳақиқатни гапириб ва ҳурмат қилишга чақиради. "Биз ёшларга ёлғонларни фош қилиб, уларни ишлаб чиқаришни рад этиш орқали йирик тамаки бизнесига қарши туриш учун куч ва қобилият беришимиз керак", демоқда ЖССТ.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

“Менинг гагам АМАЛДОР ЭМАС...”

Лоқайдлик

КОРРУПЦИЯГА

Йўл очади

БУНДАН бир неча йиллар аввал Ўзбекистон Қахрамони, Давлат мадҳиясининг муаллифи Абдулла Ориповнинг уйига ҳол-аҳвол сўраб зиёрат қилгани борган эдик. (Уша вақтда халқнинг севимли шоири соғлигидаги муаммолар сабаб чет давлатда даволаниб келган эди). Кўришдик. Улуғ шоир кескаликнинг таъсири ва саломатлигининг яхши эмаслигидан ҳолсизланиб қолган бўлса-да, руҳан жуда тетик эди.

Уша кунги суҳбатда ҳам Ўзбекистоннинг бугуни ва келажаги ҳақида кўплаб фикрларни айтиб ўтиш билан бирга ривожланган мамлакатларнинг яқин ўтиши тарихи ва ҳозирги тараққиёт стратегиялари босқичлари, хусусан, таълимда қандай сиёсат олиб борилганлиги ҳақида кишини жиддий мулоҳазага чорлайдиган фикрларни билдирди.

Айниқса, Япониянинг таълим дастури узокни кўлаб тузилганлиги, ибратли ва коррупциядан мулқат тазаланганлиги, “ўғирлаб ишлатишга” муносиб эканлигини таъкидлаб ўтди. Бироз ўй сургач, Тошкент вилоятидаги мактаблардан бирида ўқувчи ёшлар билан бўлиб ўтган учрашуви гапириб берди.

— Кўплай энди униб келаётган мактабнинг ўспирани болалари билан суҳбат қурдик. Уларнинг мақсадини, келажақда ким бўлишни сўрадим. Шунда 10-синфда ўқийдиган бир йигитчадан мактабни битиргач қайси олийгоҳга кирмоқчи эканлигини сўраганимда, ундан кутилмаган ва даҳшатли жавобни олдим. Эшитинг-а! “Ҳеч қайси олийгоҳга топширмакчи эмасман, менинг дадам амалдор эмас... Ўқитгани ҳам, ишга жойлагани ҳам ортиқча пули йўқ...”

Суҳбатнинг шу ерига келганда Абдулла Ориповнинг овози маҳзун тортиб, анчагина жим бўлиб қолди. У кишига

қараганимда кўзидан ёш оқар, дастрўмоли билан кўз ёшларини артар эди.

Бизга юзланиб, “Ўзингиз айтинг, эндигина ҳаёт бўстонига кириб келаётган, димоғидаги ҳар бир нафаси халқи ва ватани учун кириб чиқадиган ўқтам ўспиранинг шундай фикрга бориб қолгани, унинг руҳий синиқлиги ҳаммамизнинг оғир фожиамиз эмасми?! Бу илдиз отиб, гуржираб кетган коррупция дараксининг ҳозирги “меvasи” эмасми?! Яна қанча бор, жамиятда бундай фикрлайдиган ўспирани нисоллар...?”

Бу суҳбатга ҳам ўн йиллар бўлиб қолди. Мен ўша вақтда университетнинг битирувчи талабаси эдим.

Виждон билан айтиладиган бўлсак, бундан бир неча йиллар аввал ҳам кўплай соҳаларда, жумладан, давлатнинг қудратли кучга айланишини таъминлайдиган энг муҳим нуқта — таълим тизимида коррупция томирлари авж олиб кетган эди.

Университетга киришнинг турли “стратегиялари” пайдо бўлди. Илмдор бошларнинг ўрнига “пулдор каллалар” кириб дипломли бўлиб чиқди, олийгоҳлардан. Мен ишонч билан айнан пора эвазига олийгоҳга кирганларнинг аксари ўқиб, илми бўлиб чиқди, деб айтилмайман. Дипломли бўлиб чиқди, десам тўғри бўлади.

Отамнинг розилиги менинг ҳалол ва виждонан ашашимда эди. Неча йиллар жиддий тайёргарлик қўриб, талаба бўлдим. Олий маълумотли шахс бўлиш осон кечмади, албатта. Университетни битириб ишга жойлашдим. Бир ҳақиқатни тушуниб етдимки, Сиз қандай бўлишни истасангиз Яратган ҳам йўлингизни шундай белгилар экан.

Ишга киргач, халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг муаммоларини тинглаш, қонуний ечимини кўрсатиш ва

бузилган ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун энг шимарганимда коррупция “эпидемияси” мен ўйлагандан кенгроқ тарқалганига гувоҳ бўлдим.

“Ука, қизимни ишга жойлаб бўлмапти. Ёрдан беринг, биз ҳам қараб турмаймиз...”

“Пенсияга чиқишда неча йиллик меҳнат даврим архивдан чиқмади, “йўли” бордир қўшдиришга?...”

“Ўғлимни ногиронлик нафақасига чиқариб олишим қийин кечаяпти, биз ҳам қараб турмаймиз агар ишимиз битиб қолса...”

Ҳаммасига сабр билан масаланинг қонуний йўл-йўригини тушунтирасиз, пулсиз ҳам “таниш-билишсиз” ҳам иши битганини, қонуний ҳақ-ҳуқуқ тикланганини кўрганда Сизни ҳам, Ҳукуматни ҳам дуо қилади. Виждонингиз таскин топади.

Айрим ривожланган мамлакатларда коррупция қўламининг пастилига фақатгина давлат сабабчи эмас. Балки ўша мамлакатнинг фуқаролари коррупцияга қарши оммавий курашади.

Ишини битириш учун “бермайди”. Қонун билан талаб қилади. Олишига, ўмарошига йўл қўймайди. Ҳисобот сўрайди.

Бир-икки киши эмас. Ҳамма! Оддий мисол, АҚШда штат губернатори истаган ишини қилишига йўл қўйилмайди. Истаган фуқаросининг мулкани ундан олиб бунга тортиқ қилмайди. Лавозимидан фойдаланиб қонундан устунлик қила олмайди. Жамоатчилик назорати бор. Ҳар бир хатти-ҳаракатига жавоб беради.

Баҳриддин МУҲАМАДАЛИЕВ,
Фаргона вилояти адлия бошқармаси бўлим катта маслаҳатчиси

ДИПЛОМ СОТИБ ОЛГАН ХАМШИРА: У СИЗНИ ДАВОЛАШНИ ИСТАРМИДИНГИЗ?

Тўрт нафар фарзанднинг отаси, ёши улуг педагогнинг қилган жиноятини эшитиб ёқа уш-ларайсиз. Азизининг (исм-шарифлар ўзгартирилган) отаси ҳам фарзанднинг ҳамшира бўлиб, оқ халат кийиб, инсонлар саломатлиги учун посбон бўлишни ният қилар эди. Аммо инсон саломатлигини асраш жуда катта фидойилик ва масъулият талаб қилишни ўйлаб ҳам кўришмади...

Азизининг ўқиб, илм олиб, машаққат эвазига ҳамширалик касбини эгаллашига ва интилишига тиббиёт коллежи кўчмувожчи Абдурахим кабиларнинг ноинсофлиги халал берди. “150 АҚШ доллари эвазига дипломли бўлишинг мумкин”, дея унинг ишончига киришга ҳаракат қилди. Бундан Азиза бироз ажабланди. Абдурахим бир неча бор “пулинг бўлса чангалда шўрва”, дея унинг фикрини чалғита бошлади. Албатта, инсонни йўлдан урадиган унинг нафси. Бекорга халқимиз “Нафсим мани балодур, ёнар ўтга солодур”, дея айтмаган. Нафсининг қулига айланаб, 150 АҚШ доллари эвазига тиббиёт ҳамшираси дипломини

олиб беришни ваъда қилган “устоз”нинг жиноят устида қўлга тушганлиги ачинарли ҳол. Суднинг қора курсисига ўтирган Абдурахимга ўшаган “педагог” номига доғ тушурувчилар, афсуски, оз бўлса ҳам орамизда учраб турибди. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Янгйер шаҳар судида Абдурахим Қурбоновга нисбатан жиноий иш қўриб чиқилди. Фирибгарлик йўли билан олинган 150 АҚШ доллари унинг ҳаётини шунқиллади. Тўғри, жиноятга жазо муқаррар. Шу ўринда, бир ҳолатта эътибор берсак, жамиятимиздаги жирканч иллат, пора олиш ва беришни ким содир этмоқда? Ўқимшили, тўрт нафар фарзанднинг отаси, жиноятни тушуниш учун ҳаётининг тажрибаси етарли бўлган бу шахснинг хатти-ҳаракатига атрофдагилар жимгина кузатувчи бўлиб турган бўлса. Наҳотки, бирор киши “Тўхта! Ҳаромдан топанг пулни фарзандларининг лўқмасига айлантирасанми?”, демаса. Тўғри, қарс икки қўлдан чиқди. Азиза ҳам ўз устида ишлаб, ўқиб, билмаганларини ўрганиб, машаққат эвазига ўқишга

киришга ҳаракат қилмоғи лозим эди. Афсуски, осон йўл билан дипломли бўлмоқчи бўлди. Аммо кейинчалик у инсонлар саломатлиги билан ишлагани, уларнинг тақдирини билан юзлашишини ўйлаб ҳам кўрмади. Инсоннинг саломатлиги ва ҳаёти ҳамма нарсадан устунигини тушуниб етиши учун, албатта, бирор фожиа содир бўлмасдан, ақлини йиғиб олмоғи зарур эди. Хуллас, ҳаётнинг биз билмаган сирли жумбоқлари талайгина. Бир баҳонами сабаб бўлиб, Абдурахимдан диплом олган Азизадан муолажа олишни бир тасаввур қилиб кўринг-чи? Сотиб олинган диплом билан ҳамширалик қилган Азиза кабилар қўлида қанча инсонлар ҳаёти гаров тариқасида туриши барчамизга, албатта, дарс бўлмоғи лозим. Жиноят қилган жазосини олади, жиноятни содир этишда атрофдагиларнинг бепарволиги ҳам жиноят эканлигини виждонимиз олдида оқлай оламизми? Ҳеч ким жиноятчи бўлиб тугилмайди. Агар жиноятнинг олдини олишда Сиз ва биз, барчамиз ҳаракат қилмасак жамият олдидаги бурчимизни нунути қўйган бўламиз. **Ихтиёр ҚАЮМОВ,**
Янгйер шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Бу борада адлия органлари тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг тасдиқланиши ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонининг қабул қилиниши юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган муҳим қадамлар саналади. Бу борада адлия органлари тизимида коррупцияга қарши жиддий ва муросасиз кураш олиб бориш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳам белгиланди. Жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари — Фойдаланиш бўйича халқаро талаблари ва тавсиялари” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда адлия органларини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича Адлия вазирининг “Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида”, “Адлия вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”, “Адлия вазирлиги тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, бартараф этиш, мониторинг қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги бир қатор буйруқлари қабул қилинди. Адлия органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг “комплаенс назорат” тизими жорий этилганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Идоравий комплаенс тизими ўзида юқори даражада касбий ва ахлоқий қондалар ижросини таъминлаш, қонунчиликка ва ички тартиб-қоидаларга риоя этмасликка оид хатарларни камайитириш ҳамда моддий зарар етказилишини бартараф этиш ва мавқеи йўқотилишини бартараф этиш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлари бузиллишига йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирлар мажмуини назарда тутади. Бундан ташқари, жамиятда коррупцияга доир жиноятларнинг содир этилишига кўпинча фуқароларимизнинг лоқайдлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги ҳамда айрим тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг ҳуқуқий билимлари жуда паст даражада эканлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Сунатилло АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Алим Эрнazarов валидан муҳтарамаси **Раъно ЭРНАЗАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОНЛАР

“EI BILOL” хусусий корхонаси (ИНН: 305 972 987) таъсисчисининг 20.05.2020 йилдаги 06/2020-сонли қарорига асосан корхона устав фонди 274 000 000 000 (Икки юз еттиш тўрт миллион) сўмга камайитрилиб, корхонанинг янги устав фонди 317 110 000 000 (Ҳч юз ўн етти миллион бир юз ўн минг) сўмини ташкил қилишни маълум қилади. Манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари ва кредиторларнинг талаблари корхона жойлашган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100-уй.

“TANDEM TRADE GROUP” хусусий корхонаси (ИНН: 303 047 294) таъсисчисининг 20.05.2020 йилдаги 04/2020-сонли қарорига асосан корхона устав фонди 2 900 000 000 000 (Икки миллиард тўққиз юз миллион) сўмга камайитрилиб, корхонанинг янги устав фонди 3 000 000 000 000 (Ҳч миллиард) сўмини ташкил қилишни маълум қилади. Манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари ва кредиторларнинг талаблари корхона жойлашган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.

<p>ИНСОН ҚОНУН</p> <p>МУАССИСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>www.minjust.uz</p>	<p>2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган</p> <p>1528 2010-7897</p> <p>1528 2010-7897</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Кўчқор НОРҚОБИЛ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Тошқулов Ахбар Журабоевич</p> <p>Рабиев Шерзод Миржалипович</p> <p>Тожиев Фуқрат Шомировович</p> <p>Искандаров Ербек Нурбекович</p> <p>Эргашева Дилфуза Рустамовна</p>	<p>Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.</p> <p>Навбатчи Мадҳия Авазова</p> <p>Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев</p>	<p>Нашр индекси: 137</p> <p>“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй.</p> <p>Тиражи — 5965 Бюролма — V-4160</p>	<p>Топшириш вақти — 19:00 Топшириғли — 19:00</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.</p> <p>Факс: (0371) 277-02-97</p> <p>Обуна бўлими: 277-02-57</p> <p>Баҳоуси келишилган нархда</p> <p>1 2 3 4 5</p>
--	---	--	---	--	--	--	---

КАРАНТИН даврида 3 миллиардга яқин аҳоли "ўзини яққалаш" тарзида ҳаёт кечирмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 82 тадан ортиқ давлатда карантин жорий этилиши натижасида иқтисодий муаммолар юзага кела бошлади, бу ўз навбатида, аҳолининг ўрта ва қуйи қатламига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди, яъни кунлик даромад манбаи йўқолди ёки тушиб кетди, режалаштирилган лойиҳалар вақтинча қолдирилди, мавсумий ишлар орқали топиш мумкин бўлган даромад камайди ва бошқалар.

Пандемия бутун дунёда оилавий низолар кўпайишига таъсир қилди

Бунинг натижасида, табиийки, оилаларда ҳам қалтис вазият юзага кела бошлади. Биргина. Хитойда 2020 йилнинг 1-чорагида оилавий зўравонлик ҳақида келиб тушган мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 бараварга ошган, Францияда фуқароларнинг ҳаракатланишига чекловлар белгиланган куннинг бир ҳафтасидан сўнг бу каби мурожаатлар 30 фоизга ошган, Россияда ҳам шундай ҳолатларнинг ўсиши кузатишмоқда. Буюк Британияда Counting Dead Women лойиҳаси асосчиси И.Смитнинг таъкидлашича, сўнгги икки ҳафтада оилавий зўравонлик оқибатида 8 нафар аёл вафот этган, яна 4 та ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, бу эса аввалги кўрсаткичларга нисбатан 4 баравар кўп.

Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, оилавий зўравонлик масаласи бугун бутун дунёда долзарб бўлиб турибди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ўзининг Твиттер саҳифасида сўнгги вақтларда аксарият мамлакатларда деярли барча кучлар ва ресурслар коронавирус пандемиясининг олдини олишга сафарбар этилган бир пайтда оилавий зўравонлик ҳолатлари юзага келиши глобал муаммага айланиб бораётгани ҳақида ёзган.

Маълумот учун: Reuters агентлигининг маълумотларига кўра, 2019 йил 4 январь ҳолатига оилавий зўравонлик натижалари бўйича биринчи 10 таликка Хиндистон, Афғонистон, Сурия, Сомали, Саудия Арабистони, Покистон, Конго Демократик Республикаси, Оман, Нигерия ва АҚШ кирди.

Европада эса (8 талик): Латвия, Дания, Албания, Финляндия, Буюк Британия, Швеция, Норвегия, Францияда оилавий зўравонлик кучайгани маълум қилинган.

Зўравонлик нима?

Зўравонлик бу бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан қасддан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш, бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали унинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига таъвоуз қиладиган гайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Оилавий зўравонлик деганда зўравонлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оила аъзосининг бошқа аъзоларига (хотин, ота-она, болалар ва бошқалар) нисбатан амалга оширилиши тушунилади. Умуман олганда, бутун дунёда аксарият ҳолларда оилавий зўравонликдан хотин-қизлар жабр кўради. Оилавий зўравонлик жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонлик шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ўрнида: Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қонун ҳимоя қилади

Умумий ҳисобда 2019 йилда 1000 га яқин аёллар маиший зўравонликдан азият чекишган. Оила ҳар бир шахс учун учун муқаддас, ҳатто бир нафар оила аъзосининг жавобгар бўлиши ҳам вояга етмаган болаларга салбий психологик таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳамма ҳам оилада таъйиққа учраётганини очик-ойдин айтолмайди. Бу эса айрим ҳолларда кичик муаммонинг йиллар давомида мураккаблашишига ва оғир оқибатларга олиб келишига шароит яратди.

Оилавий зўравонликка қарши қурашда ҳар бир шахс масъул эканлигини, шахснинг шаъни, қадр-қиммати доим қонун ҳимоясида эканлигини ва қонунчиликда унга берилган ҳуқуқ қаерда бошланиши ва қаерда тугаши лозимлигини асло ёддан чиқармаслик лозим.

ОИЛАДАГИ МУДҲИШ ЗЎРАВОНЛИК:

қонун доирасида ундан қандай ҳимояланиш мумкин?



Ўзбекистонда зўравонлик учун жавобгарлик қандай?

Конституциямизда фуқароларнинг бир қатор асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унга кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

Бу каби содир этилган қилмишлар учун уларнинг турига ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб Жиноят қилмишлар учун уларнинг (шахсга қарши жиноятлар) бир қанча моддаларида жинсий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Жиноят кодексига қасддан одам ўлдирганлик учун (97-модда) ўн йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ўзини-ўзи ўлдирши даражасига етказиш учун (103-модда)

уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Шунингдек, оилавий зўравонлик ҳолатлари аниқланганда фуқаролар томонидан содир этилиши эҳтимоли кўп учрайдиган қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ёки енгил (109-модда) шикаст етказиш, қийнаш (110-модда), ўлдирши ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), жинсий равишда ҳомила тушириш (аборт) (114-модда), ҳавф остида қолдириш (117-модда), номусга тегиш (118-модда), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-123-моддалар), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (1251-модда), тиланчилик қилиш (1271-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда) каби қилмиш содир этган шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Оилавий зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида "Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди.

Қонунга мувофиқ, хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Хукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Қонунга асосан, хотин-қизларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилганда куйидаги чоралар қўрилади:

- профилактика суҳбатини ўтказиш;
- ҳимоя орденини бериш;
- таъйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш;
- зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

Маъмур Қонунга асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги қарори билан таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя орденини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ордер қандай олинади?

Жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилади.

Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиш, 24 соат муд-

датда ордер бериш масаласини ҳал қилади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатга берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга кирди. 30 кунлик муддат учун бериладиган ҳужжат 3 нусхада бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторидан сақланади.

30 кун муддатда жабр кўрган аёлга зўравонлик содир қилган шахс яна тан жароҳати етказса, фуқарога нисбатан жиноят иши очилади. Ҳавф-хатар ҳали бар-тарф қилинмагани аниқланса, ҳимоя ордери муддати узайтирилиши мумкин.

Маълумот учун: мавжуд маълумотларга кўра, бугунги кунда 197 та "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари" ишламоқда. Марказларга ўтган йили 22 минг 383 нафар хотин-қиз мурожаат қилган. 7 минг 423 нафарига психологик ёдам кўрсатилган.

2019 йилда ҳуқуқий масалалар юзасидан 3 минг 311 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 800 нафардан ортиги зўравонлик ва таъйиққа учрагани ҳақида.